

Ғийбатнинг рухсат этилган турлари (10-қисм)



14:05 / 03.03.2018 3035

11. Машҳур ёмон лақабни зикр қилиш. Бир киши қандайдир бир айбга далолат қиладиган ёмон лақаб билан машҳур бўлса, уни ўша лақаб билан эслашнинг зарари йўқ, чунки ўша лақабни айтилмаса, одамлар уни танимаслиги мумкин. Мисол учун, «аъраж» сўзининг маъноси «чўлоқ» бўлиб, ровийлардан бири мана шу лақаб билан машҳур бўлган. Муҳаддислар ҳадис ривоят қилишда «Аъраждан ривоят қилинган» деб айтаверадилар. Лекин иложи борича айбга далолат қиладиган лақабни айтмаслик яхши.

12. Динни қувватлаш мақсадида ғийбат қилиш. «Раддул мухтор» муаллифи: «Динни қувватлаш учун ғийбат қилиш дуруст», деб ёзади. Муҳаддисларнинг ровийлар ҳақида «Фалончи ёлғон гапиришга одатланган, ҳадислар ривоят қилишда жуда кўп ёлғон гапиради; фалончи ровий ўзидан ҳадис тўқиб чиқаради ёки фалончи ровийнинг ҳофизаси заиф», деб айтишлари шунга мисолдир. Шунга ўхшаш, фақиҳлар ҳам «Фалон китоб мўътабар эмас, чунки унинг мусаннифи фақиҳ бўлмаган ёки фалон китобнинг муаллифи мўътазилий, унинг гапи ботил ёхуд фалон китобга заиф масалалар киритилган ёки фалончи фақиҳ китобида мавзў (тўқима) ривоятларни келтиради ва ҳоказо» деб ёзадилар. Бу гаплар ҳам динни қувватлаш ва уни ҳимоя қилиш мақсадида айтилган.

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов